



New Day in Medicine
Новый День в Медицине

NDM



TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



AVICENNA-MED.UZ



ISSN 2181-712X.
EiSSN 2181-2187

12 (74) 2024

Сопредседатели редакционной коллегии:

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

Ред. коллегия:

М.И. АБДУЛЛАЕВ
А.А. АБДУМАЖИДОВ
Р.Б. АБДУЛЛАЕВ
Л.М. АБДУЛЛАЕВА
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ
М.А. АБДУЛЛАЕВА
Х.А. АБДУМАДЖИДОВ
Б.З. АБДУСАМАТОВ
М.М. АКБАРОВ
Х.А. АКИЛОВ
М.М. АЛИЕВ
С.Ж. АМИНОВ
Ш.Э. АМОНОВ
Ш.М. АХМЕДОВ
Ю.М. АХМЕДОВ
С.М. АХМЕДОВА
Т.А. АСКАРОВ
М.А. АРТИКОВА
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)
Е.А. БЕРДИЕВ
Б.Т. БУЗРУКОВ
Р.К. ДАДАБАЕВА
М.Н. ДАМИНОВА
К.А. ДЕХКОНОВ
Э.С. ДЖУМАБАЕВ
А.А. ДЖАЛИЛОВ
Н.Н. ЗОЛотова
А.Ш. ИНОЯТОВ
С. ИНДАМИНОВ
А.И. ИСКАНДАРОВ
А.С. ИЛЪЯСОВ
Э.Э. КОБИЛОВ
А.М. МАННАНОВ
Д.М. МУСАЕВА
Т.С. МУСАЕВ
М.Р. МИРЗОЕВА
Ф.Г. НАЗИРОВ
Н.А. НУРАЛИЕВА
Ф.С. ОРИПОВ
Б.Т. РАХИМОВ
Х.А. РАСУЛОВ
Ш.И. РУЗИЕВ
С.А. РУЗИБОВЕВ
С.А. ГАФФОРОВ
С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)
Ж.Б. САТТАРОВ
Б.Б. САФОВЕВ (отв. редактор)
И.А. САТИВАЛДИЕВА
Ш.Т. САЛИМОВ
Д.И. ТУКСАНОВА
М.М. ТАДЖИЕВ
А.Ж. ХАМРАЕВ
Д.А. ХАСАНОВА
А.М. ШАМСИЕВ
А.К. ШАДМАНОВ
Н.Ж. ЭРМАТОВ
Б.Б. ЕРГАШЕВ
Н.Ш. ЕРГАШЕВ
И.Р. ЮЛДАШЕВ
Д.Х. ЮЛДАШЕВА
А.С. ЮСУПОВ
Ш.Ш. ЯРИКУЛОВ
М.Ш. ХАКИМОВ
Д.О. ИВАНОВ (Россия)
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)
DONG JINCHENG (Китай)
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)
В.А. МИТИШ (Россия)
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)
А.А. ПОТАПОВ (Россия)
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)
С.Н. ГУСЕЙНОВА (Азербайджан)
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV (Azerbaijan)
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ NEW DAY IN MEDICINE

*Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал
Научно-реферативный,
духовно-просветительский журнал*

УЧРЕДИТЕЛИ:

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский
исследовательский центр хирургии имени
А.В. Вишневского является генеральным
научно-практическим
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных
изданий, рецензируемых Высшей
Аттестационной Комиссией
Республики Узбекистан
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)
У.К. КАЮМОВ (Тошкент)
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

12 (74)

2024

ноябрь

www.bsmi.uz

<https://newdaymedicine.com> E:

ndmuz@mail.ru

Тел: +99890 8061882

УДК 616.411.55-036.1

БОЛАЛАРДА ҚАЛҚОНСИМОН БЕЗ ОРГАНОМЕТРИК ЎЛЧАМЛАРИ ВА ЖИСМОНИЙ РИВОЖЛАНИШ КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ СОЛИШТИРМА ТАҲЛИЛИ

Зайниддинов Ш.Ш. <https://orcid.org/0009-0004-1754-7229>

Темирова Н.Р. <https://orcid.org/0009-0004-0700-3068>

Абу али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти Ўзбекистон, Бухоро ш., А.Навоий кўчаси. 1 Тел: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

✓ Резюме

Ушбу мақолада 7 ёшли соглом ўғил ва қиз болалар қалқонсимон безининг ультратовушли ўлчамлари ва улардаги жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари келтирилган. Соглом ўғил ва қизларда қалқонсимон без морфометрик ўлчамларининг ёшга боғлиқ ўсиши жисмоний ривожланиш кўрсаткичларининг ўзгариши билан мутаносибдир. Яъни болалар ёши ва гендер хусусиятларини инобатга олган ҳолда ушбу кўрсаткичлар орасида тўғри кучли корреляцион боғлиқлик мавжуд бўлиб, бу безнинг анатомик ўзгарувчанлиги билан изоҳланган.

Калит сўзлар: қалқонсимон без, ультратовуш текшируви, болалар, жисмоний ривожланиш.

СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ ОРГАНОМЕТРИЧЕСКИХ РАЗМЕРОВ ЩИТОВИДНОЙ ЖЕЛЕЗЫ И ПОКАЗАТЕЛЕЙ ФИЗИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ У ДЕТЕЙ

Зайниддинов Ш.Ш. <https://orcid.org/0009-0004-1754-7229>

Темирова Н.Р. <https://orcid.org/0009-0004-0700-3068>

Бухарский государственный медицинский институт имени Абу Али ибн Сины, Узбекистан, г. Бухара, ул. А. Навои. 1 Тел: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

✓ Резюме

В данной статье приведены ультразвуковые размеры щитовидной железы здоровых мальчиков и девочек в возрасте 7 лет и показатели физического развития у них. Возрастное увеличение морфометрических размеров щитовидной железы у здоровых мальчиков и девочек пропорционально изменению показателей физического развития. То есть между этими показателями существует правильная сильная корреляционная зависимость с учетом возрастных и гендерных особенностей детей, что было объяснено анатомической изменчивостью железы.

Ключевые слова: щитовидная железа, ультразвуковое исследование, дети, физическое развитие.

COMPARATIVE ANALYSIS OF THE ORGANOMETRIC DIMENSIONS OF THE THYROID GLAND AND INDICATORS OF PHYSICAL DEVELOPMENT IN CHILDREN

Зайниддинов Ш.Ш. <https://orcid.org/0009-0004-1754-7229>

Темирова Н.Р. <https://orcid.org/0009-0004-0700-3068>

Bukhara State Medical Institute named after Abu Ali ibn Sina, Uzbekistan, Bukhara, st. A. Navoi. 1 Tel: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

✓ Resume

This article presents the ultrasound dimensions of the thyroid gland of healthy boys and girls aged 7 years and their physical development indicators. The age-related increase in the morphometric size of the thyroid gland in healthy boys and girls is proportional to the change in physical development indicators. That is, there is a correct strong correlation between these indicators, taking into account the age and gender characteristics of children, which was explained by the anatomical variability of the gland.

Key words: thyroid gland, ultrasound examination, children, physical development.

Долзарблги

Жахон Соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) 2022 йил маълумотларига кўра, дунё бўйлаб 2 миллиардга яқин инсонлар йод танқис бўлган ҳудудларда яшайдилар. Улардан 700 миллионга яқин инсонлар интеллектуал ривожланишнинг пастлиги ва руҳий касалликлардан азият чекмоқда, шундан 50 миллиони эса айнан йод танқислиги туфайли ақлан заифдир. Бундан ташқари ҳозирда 285 миллион мактаб ёшидаги болаларнинг етарли миқдорда йод истеъмол қилмасликлари жуда хавотирли ҳолат [European Thyroid Association, ETA].

ЖССТ маълумотларига асосан, дунёдаги катта ёшли аҳолининг 10,0% дан 30,0% гача бўлган қисми қалқонсимон без касалликлари жумладан без структурасининг ўзгариши оқибатида унинг функциясини турли даражада бузилиши билан боғлиқ қалқонсимон безнинг турли касалликларидан азият чекмоқда [11,19]. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг маълумотларига қараганда эндокрин касалликлар бугунги кунда дунёнинг аксарият мамлакатлари, жумладан, Ўзбекистон учун ҳам долзарб муаммога айланмоқда [UZSTAT 2023].

Замонавий тиббиёт ривожланишининг ҳозирги босқичида инсон антропометрияси мезонларини ишлаб чиқиш амалий соғлиқни сақлашнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади [12,15]. Олимларнинг таъкидлашича, инсон тана тузилишининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олмасдан туриб, унинг танасининг меъёрий тузилишини ўрганиш мумкин эмас [2, 5,6]. Соматотип инсон тузилишининг морфологик акси бўлиб, ички органлар ва тизимлар тузилишининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш долзарб ҳисобланади [13,19]. Антропометрик тадқиқотлар натижасида олинган маълумотлар қалқонсимон безнинг ҳажмини тахмин қилишнинг асосий калитидир. Постнатал онтогенезда инсон тана тузилишининг ҳар хил турларига мансуб инсонлар соматик ва вицерал морфофункционал ривожланиши турлича бўлиб, деярли соғлом болаларнинг турли тана тизимларининг функционал ҳолатини баҳолаш учун уларнинг конституциявий хусусиятларини (соматотиплари) ҳисобга олмасдан туриб тўлиқ ўрганиб бўлмайди [15,17].

Кўплаб олимлар турли географик ҳудудларда яшовчи болаларнинг антропометрик кўрсаткичлари ва қалқонсимон без ҳажми бўйича сезиларли фарқларга эга эканликларини таъкидлайдилар [14, 22]. Қалқонсимон без ҳақида маълумот олиш мақсадида ўз навбатида визуал, пальпация ва УТТ ўтказилади. Пайпаслаш усули ҳам қалқонсимон без касалликларини ташхислашда энг муҳим усуллардан бири ҳисобланади. Аммо хорижий олимларнинг фикрига кўра ультратовуш текшируви пайтида аниқланган қалқонсимон безнинг ҳажми, физик текширув пайтида аниқланган маълумотга қараганда аниқроқ ҳисобланади [18, 23].

УТТ да қалқонсимон без ҳажми тўғрисида олинган маълумотлар кўп тугунли бўқоқ, тироидит ва қалқонсимон без саратони каби бир қатор патофизиологик омилларни баҳолаш учун зарурдир [16, 20]. Маълумки, тана тузилишининг тури ва жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари нафақат тиббиётда, балки жисмоний тарбияда ҳам жуда муҳимдир [3,4]. Қалқонсимон безнинг органометрик кўрсаткичлари ва антропометрик ўлчовлар ўзаро боғлиқлигини таққослашда бу муаммо янада муҳим ўрин касб этади. Эндоген ва экзоген омиллар таъсирини акс эттирувчи болалар саломатлик ҳолатининг асосий мезонларидан бири бу болаларнинг жисмоний ривожланишидир [1,14].

Болалар саломатлиги жамият фаровонлигининг асосий кўрсаткичларидан бири бўлиб, жамият хавфсизлиги ва келажагини белгилайди, шунинг учун уни ҳимоя қилиш бутун дунёдаги энг муҳим масала ҳисобланади [8,10]. Ҳозирги кунда ёш авлод саломатлигининг ҳолати репродуктив саломатлиги сифатида мутахассислар ва кенг жамоатчилик томонидан энг кўп муҳокамаларга сабаб бўлаётган муаммолардан биридир [21,23].

Балоғатга етиш даврида соматик саломатлик даражаси репродуктив функцияларнинг шаклланишига, кейинчалик туғилиш кўрсаткичларига, фарзанд кўриш прогнозига ва насл саломатлиги даражасига, яъни келажақда мамлакат ривожланишига бевосита ўз таъсирини кўрсатадиган таркибий қисмларга боғлиқ [9,24]. Муаллифнинг фикрига кўра, хавфсиз ва ҳимояланган болаликни таъминлаш миллий устувор йўналиш сифатида эътиборга олинади.

Пишугина А.В. ва ҳаммуал., (2013) фикрига кўра, ҳозирги вақтда туғилишнинг ўсиши ва болалар ўлимининг камайиши, кўп болали оилаларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи яхшиланишининг ижобий тенденциялари фонида таълим ва тиббий ёрдамдан фойдаланиш имкониятларининг ошиб бораётганлиги билан изоҳлаш мумкин. Бирок, расмий статистик

маълумотларга кўра, меҳнатга лаёқатли аҳоли ўртасида касалланиш йиллар давомида ўзгарувчан кўрсаткичларда ифодаланмоқда [7]. Йод танқислиги ҳудудларида истиқомат қилаётганлар болалар орасида жисмоний ривожланишнинг барча кўрсаткичларида етарлича ўзгаришлар кузатилган. Мактаб ёшидаги эндемик буқоқ билан оғриган болалар орасида дисгормоник ривожланишнинг ошиши, бу айниқса болалар бўй ўлчамининг тенгдошларига нисбатан паст бўлиши билан намоён бўлади [13]. Қалқонсимон без ҳажмининг ўзгаришига нафақат йод етишмовчилиги, ҳаттоки чекиш ва диета ҳам ўз таъсирини кўрсатиши аниқланган [8].

Шундай қилиб, қалқонсимон без органометрик кўрсаткичлари ва тана турли қисмларининг антропометрик маълумотлари Ўзбекистон Республикаси, хусусан Бухоро вилоятида яшовчи болаликнинг турли даврларидаги ҳар икки жинс соғлом болаларининг замонавий конституциявий хусусиятлари ҳақидаги мавжуд ғояларни сезиларли даражада кенгайтиради.

Тадқиқот мақсади: 7 ёшли соғлом ўғил ва қиз болаларда қалқонсимон безнинг ультратовушли ўлчамлари ва жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари орасидаги солиштирма таҳлилини қиёсий хусусиятларини ўрганиш.


Материал ва усуллар

Ушбу тадқиқот ишларини амалга ошириш учун Бухоро шаҳридаги №7-сон мактаби ўқувчиларидан фойдаландик. Болалар 2 гуруҳга бўлинган ($n=80$): I- 7 ёшли ўғил болалар гуруҳи ($n=42$); II- 7 ёшли қиз болалар гуруҳи ($n=38$) ҳолда танлаб олинди ва кўрикдан ўтказиш натижалари ўрганилди. Тадқиқот Бухоро вилояти эндокринология диспансерининг диагностика бўлимида врач эндокринолог назорати ва УТТ врачлари томонидан ўтказилди. Ультратовуш текширувларида қалқонсимон безнинг ультратовуш анатомияси натижалари олинди. Тадқиқот чизиқли (7,5 МГц) ва конвексли (3,5 МГц) трансдусерли SONOACE R3-RUS аппаратида олиб борилди.. Болаларнинг жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари (буй узунлиги, тана массаси, кўкрак қафаси айланаси) ўлчамлари сантиметрли ленталарда ўлчанди ва ҳар бир бола учун индивидуал бўлган анкеталарга олинган натижалар қайд этиб борилди.

Натижа ва таҳлиллар

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, 7 ёшли ўғил болаларда қалқонсимон без органометрик кўрсаткичларининг ёшга боғлиқ бўлган ҳолда ўзгаришлари аниқланди. 7 ёшли ўғил болаларда қалқонсимон без ўнг бўлагининг узунлиги 2,3 дан 3,1 см гача, ўртача $2,7 \pm 0,027$ см гача, ўнг бўлакнинг кенглиги ўртача 1,1 дан 1,4 см гача, ўртача - $1,2 \pm 0,010$ см, қалинлиги 1,3 дан 2,1 см гача, ўртача - $1,6 \pm 0,027$ см бўлиб, қалқонсимон без ўнг бўлагининг ҳажми 1,6 дан 4,4 см³ гача бўлиб, ўртача - $2,5 \pm 0,10$ см³ га тенг. Қалқонсимон без чап бўлагининг узунлиги эса 2,2 дан 3,2 см гача, ўртача $2,7 \pm 0,037$ см, кенглиги 1,0 дан 1,4 см гача, ўртача - $1,2 \pm 0,012$ см ва қалинлиги 1,1 дан 1,9 см гача бўлиб, ўртача - $1,5 \pm 0,027$ см га тенг. Қалқонсимон без чап бўлагининг ҳажми шу ёшда 1,2 дан 4,0 см³ гача, ўртача $2,4 \pm 0,095$ см³ ва без бўйинчанинг баландлиги 0,22 дан 0,40 см гача, ўртача $0,28 \pm 0,008$ см гача ўзгарганлиги аниқланди.

7 ёшли қизларда қалқонсимон без ўнг бўлагининг узунлиги 2,3 дан 2,9 см гача, ўртача $2,7 \pm 0,017$ см гача, кенглиги 1,2 дан 1,5 см гача. ўртача - $1,4 \pm 0,009$ см ва унинг қалинлиги 1,2 дан 1,7 см гача, ўртача - $1,6 \pm 0,015$ см га тенг. Қалқонсимон без ўнг бўлагининг ҳажми шу ёшда 1,6 дан 3,5 см³ гача, ўртача - $2,8 \pm 0,057$ см³ ни ташкил этди. Ушбу ёшдаги қиз болаларда қалқонсимон без чап бўлагининг узунлиги 2,1 дан 2,8 см гача бўлиб, ўртача $2,6 \pm 0,020$ см га тенг, кенглиги 1,1 дан 1,6 см гача, ўртача - $1,3 \pm 0,015$ см, чап бўлак қалинлиги эса 1,1 дан 1,8 см гача, ўртача - $1,5 \pm 0,020$ см. Қалқонсимон без чап бўлагининг ҳажми 7 ёшли қизларда 1,2 дан 3,9 см³ гача, ўртача $2,4 \pm 0,077$ см³ ва қалқонсимон без бўйинчасининг баландлиги 0,25 см дан 0,62 см гача бўлиб, ўртача $0,46 \pm 0,012$ см га тенг бўлди. 1 расмда 7 ёшли ўғил ва қиз болалар қалқонсимон без ўнг ва чап бўлакларининг ҳажми келтирилган.




1-расм. 7 ёшли ўғил ва қиз болалар қалқонсимон без ўнг ва чап бўлаklarининг ҳажми

Текширувда без ҳар бўлагининг ҳажми Ж.Брунн ва ҳаммуал. (1981й) формуласи ёрдамида ўрганилганда қалқонсимон безнинг ультратовуш текшируви шуни кўрсатдики, қалқонсимон безнинг кенглиги 7 ёшли ўғил болаларда шу ёшдаги қиз болаларга нисбатан ўнг бўлакда 0,60 мм, чап бўлаги кенглиги эса 0,50 мм узунроқлиги аниқланди. Қиз болаларда безнинг қалинлиги ўғил болаларга нисбатан ўнг ва чап бўлақларда 0,20 мм катта. Қалқонсимон без ўнг бўлагининг узунлиги 7 ёшли ўғил болаларда шу ёшдаги қизларга нисбатан 1,60 мм узун бўлса, чап бўлаги 1,80 мм узунлиги аниқланди. 7 ёшли қиз болалар қалқонсимон без ўнг ва чап бўлақларининг ҳажми шу ёшдаги ўғил болаларга нисбатан 0,20 см³ ортиши аниқланди.

Болаларда жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари ўрганилганда, 7 ёшли ўғил болаларнинг бўй узунлиги 116,0 дан 130,2 см гача, ўртача – $121,2 \pm 0,41$ см. Ушбу ёшдаги болаларнинг тана вазни 21,2 дан 27,3 кг гача бўлиб, ўртача – $24,5 \pm 0,18$ кг, кўкрак қафасининг паузадаги ўлчами 54,9 дан 61,8 гача, ўртача – $59,5 \pm 0,20$ см, нафас олиш чўққисида кўкрак қафасининг айланаси 57,0 дан 65,3 см гача, ўртача – $62,1 \pm 0,24$ см, тўлиқ нафас чиқариш пайтида кўкрак қафасининг атрофи ўлчами 53,2 дан 61,8 см гача, ўртача – $58,0 \pm 0,25$ см тенглиги аниқланди.

7 ёшли қиз болаларнинг бўй узунлиги 115,1 дан 138,0 см гача, ўртача – $129,8 \pm 0,66$ см, тана вазни 20,9 дан 25,2 кг гача бўлиб, ўртача – $22,6 \pm 0,12$ кг, кўкрак қафасининг паузадаги ўлчами 54,0 дан 60,6 гача, ўртача – $58,7 \pm 0,19$ см, нафас олиш пайтида кўкрак қафаси айланаси ўлчами 57,1 дан 65,4 см гача, ўртача – $62,0 \pm 0,24$ см ни ташкил қилади ва тўлиқ нафас чиқариш пайтида кўкрак қафасининг ўлчами 52,8 дан 58,4 см гача бўлиб, ўртача – $56,9 \pm 0,16$ см га тенг бўлди. 2 расмда 7 ёшли соғлом болалар жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари (бўй узунлиги, тана вазни, кўкрак қафаси айланаси) келтирилган.



2 расм. 7 ёшли соғлом болалар жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари (бўй узунлиги, тана вазни, кўкрак қафаси айланаси).

7 ёшли қиз ва ўғил болалар ўртасидаги ўтказилган антропометрик тадқиқотлар шуни кўрсатдики, жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари орасида сезиларли жинсий тафовутлар аниқланмади.

Хулоса

Олинган маълумотларга кўра қалқонсимон беши бўлақларининг морфометрик кўрсаткичлари: без бўлақлари узунлиги, кенлиги, қалинлиги ва без бўйинчаси баландлиги турлича ўсиш кўрсаткичларига эга бўлиб, болалик гендер хусусиятлари ва ёш даврларига қараб фарқланади. Бу хусусиятни «меъёр» кўрсаткичларини ишлаб чиқишда инобатга олиш зарур. Олинган натижаларга асосланиб шуни таъкидлаш жоизки, эндокрин тизими касалликлари айниқса қалқонсимон без билан боғлиқ бўлган патологиялар болалар соғлиғига ва уларнинг жисмоний ривожланишига ўз таъсирини кўрсатади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Биянова И.Г. Физическое развитие детей раннего возраста города Перми /И.Г. Биянова, Н.Б. Мерзлова, А.Н. Биянова //Вопросы современной педиатрии. 2013;12(1):154-161.
2. Дорохов Р.Н. Основы соматодиагностики детей и подростков /Р.Н. Дорохов. – Смоленск, 2015; 176 с.
3. Игнатова О.А., Пышнограева Н.С., Меньшикова Л.И., Дьячкова М.Г. Роль центров здоровья в реализации национальной стратегии действий в интересах детей //Здоровье и образование в XXI веке. 2016;18(2):445-448.
4. Исмазова М.И., Тешаева Д.Ш., Сравнительная характеристика морфометрических параметров спортсменов, занимающихся художественной гимнастикой //Новый день в медицине – научный журнал. 2020;2(29/1):110-112.
5. Кондрашов Н.А. Применение индивидуально-типологического подхода в физическом воспитании младших школьников /Н.А. Кондрашов, Л.П. Додонова //Физическая культура: воспитание, образование, тренировка. 2013;5:47.
6. Негашева М.А. Системный анализ общей конституции человека /М.А. Негашева //Вестник Московского университета. //Биология. 2009;1(16):3-8.
7. Пишугина А.В., Белякова Н.А. Йодный дефицит в регионе потенциальной радиационной опасности //Профилактическая медицина 2013. Материалы III Всерос. конф. с междунар. участием. СПб., 2013; 197-199 с.
8. Пишугина А.В., Иванов А.Г., Лясникова М.Б. Распространенность и морфофункциональные особенности патологии щитовидной железы у жителей йододефицитного региона //Вестник. Тверского гос. ун-та. Сер. Биология и экология. 2014;2(1):57-63.
9. Саякова А.Т. Состояние физического развития, соматического и репродуктивного здоровья девочек-подростков Кыргызской республики /А.Т. Саякова, Г.Дж. Бейшенбиева, Ж.К. Исакова //Web of Science 2018;5(23):18-20.
10. Третьякова К.В. Влияние факторов внешней и внутренней среды на параметры и показатели физического развития саратовских женщин-студенток в возрасте 17-19 лет /К.В. Третьякова, И.В. Фирсова //Морфология. 2006;129(4):125.
11. Трошина Е.А., Платонова Н.М., Панфилова Е.А., Панфилов К.О. Аналитический обзор результатов мониторинга основных эпидемиологических характеристик йододефицитных заболеваний у населения Российской Федерации за период 2009-2015 гг. //Проблемы эндокринологии, 2018;64(1):21-37.
12. Харламов Е.В. Некоторая соматометрическая характеристика лиц юношеского возраста, проживающих на Юге России / Е.В. Харламов //Вестник РГМУ. М., 2008;4(63):198.
13. Temirova N.R., Teshayev Sh.J. (2020). Comparative Characteristics of the Sizes of the Thyroid Gland and the Parameters of the Physical Development of Children 11 and 12 Years of Age. //Journal Impact Factor, 2020;7:43.
14. Чаплыгина Е.В., Кучиева М.Б., Резникова Г.Л. Закономерности анатомической изменчивости формы щитовидной железы. //Морфологический вестник. Россия. 2019;27(4):41-46.
15. Якунова Е.М. Повышение эффективности профилактики экзогенно конституционального

ожирения у детей школьного возраста: дис. канд. мед. наук: 14.01.08/ Е.М.Якунова; ГБОУ ВПО СамГМУ МЗ и СР РФ. – Самара, 2012. С. 197.

16. Asian Y. Penile length and somatotetric parameters: a study in healthy young Turkish men / Y. Asian, A. Atan, A.O. Aydin, V. Nalcacioglu, A. Tuncel, A. Kadioglu //Asian Journal of Andrology, March, 2011;13:339-341.
17. Grussendorf M, Reiners C, Paschke R, Wegscheider K. Reduction of thyroid nodule volume by levothyroxine and iodine alone and in combination: a randomized, placebo-controlled trial. //J Clin Endocrinol Metab. 2011;96:2786-2795.
18. Panagiotou G et al. Association between lifestyle and anthropometric parameters and thyroid nodule features. //Endocrine. 2017;56(3):560.
19. Temirova N.R. (2021, January). Comparative features of ultrasound anatomy of the thyroid gland and anthropometric parameters in children 7 years of AGE. //In Archive of Conferences 2021 January; 32-33 pp.
20. Temirova N.R. (2022). Morphometric indicators of growth and development of children in endemic areas. //British Medical Journal, 2022;2(1).
21. Temirova N.R. Central asian journal of medical and natural sciences //Comparative Analysis of Ultrasound Anatomy of the Thyroid Gland and Physical Development in Children 2023 May; 5-10 pp.
22. Temirova N.R. Ultrasonic Anatomy of the Thyroid Gland in Children in the First Period of Childhood //Journal of Natural and Medical Education 2023; 166-169 pp.
23. Temirova N.R., Khasanova D.A. (2021). Comparative features of morphometric changes in physical development and ultrasonic anatomy of the thyroid gland in 8-year old children. //American. Jurnal. Med. Scines. 2021;11:71-74.
24. Viduetsky A., Herrejon C. Sonographic evaluation of thyroid size: a review of important measurement parameters. //J Diagn Med Sonog. 2019;35(3).

Қабул қилинган сана 20.11.2024